



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 25 апрель, № 84 (7314) Пайшанба

Сайтимицага ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ПЕКИНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 24 апрель куни "Бир макон, бир йўл" халқаро форумида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Пекин шаҳрига келди.

Пекин, 24 апрель. ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛИМУРДОВ хабар қилади.

"Шоуду" халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортиди. Давлатимиз раҳбарини Хитой Халқ Республикасининг расмий шахслари кутиб олди.

"Бир макон, бир йўл" биринчи халқаро форуми 2017 йилда ўтказилган, унда ҳам Президентимиз қатнашган эди. Бу галги саммитда 40 дан зиёд мамлакатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда.

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон учун давлатлараро савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

"Бир макон, бир йўл" ташаббуси бундай алоқаларни фаол давом эттириш ва иқтисодий ҳамкорликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, Марказий Осиё минтақасида транспорт, савдо, сарможий, энергетика ва юқори технологиялар соҳаларида йirik лойиҳаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Ҳамкорликнинг бундай янги йўналиши унга жалб этилган давлатларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашга, мамлакатлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон транспорт, логистика, савдо-сотик, инвестициялар, энергетика ва саноат соҳаларида юқори технологияларни жорий этиш бўйича "Бир макон, бир йўл"

ташаббуси лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди. Ҳамкорлик доирасида мамлакатимиз Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари бозорлари билан боғлайдиган транспорт ва логистика йўналишларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Бу мамлакатимизнинг Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги интилишлари ва мақсадларига тўла мос келади. "Бир макон, бир йўл" ташаббуси Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикасининг икки ва кўп томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида умумий қарашларга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Халқаро форум кун тартибидан минтақадаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, узок муддатли тараққиётнинг янги манбаларини излаб топish борасидаги шерикликни фаоллаштириш, "яшил" иқтисодиёт ва инновацияларни илгари суриш, устувор инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ўрин олган.

Президент Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньпин, қатор давлатлар ва халқаро молиявий институтлар, шунингдек, Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

ЎзА.

Ахборот-кутубхона хизмати:

Жаҳон тажрибасидан нималарни ўрганамиз?

Урганчада «Central Asia — 2019»: Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» XIII халқаро конференцияси иш бошлады.



АҚШ каби ўндан ортик мамлакатлардан соҳа вакиллари, эксперт ва олимлар қатнашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Алишер Навоий номдаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан уюштирилган мазкур анжуманда Ўзбекистон, Германия, Россия,

кутубхоначилиги тажрибалари, китоб муролави ҳамда китобхонлик маданиятини оширишнинг долзарб вазифалари, тизимдаги муассасалар фаолиятига инновацион технологияларни жорий этиш масалаларига бағишланган маърузалар қилинмоқда.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умум-халқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги нишонланши муносабати билан уруш қатнашчи-

лари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида: 1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 7 500 000 (етти миллион беш юз минг) сўм миқдорда бирийўла пул муқофоти белгилансин. 2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин. 3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиқ

хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул муқофоти тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар. 4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон

ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватани-

миз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсинлар. 5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2019 йил 23 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз азалдан ўлкамизни босқинчилардан ҳимоя қилган, унинг эркинлиги, мустақиллиги ва дахлсизлиги учун курашган қаҳармонларини эъзозлаб келмоқда. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юрдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангхоҳлардан омон қайтган боболаримизга, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли синовларда ўзлигини йўқотмаган, имони бутун аждадларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш том маънода миллий анъанага айланган.

Ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортик ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чикармайди. Фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган халқимиз ўзининг нақадар олижаноб бўлини, меҳр-мурувватини, юксак маънавиятини яққол намойён этди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига давлатимиз томонидан муқофотлар топшириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш қўлтуғ анъанага айланган. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Фашизм устидан қозонилган ғалабада халқимизнинг ҳам мардонавор ва салмоқли ҳиссаси унутилмас ҳақиқатдир. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни Иккинчи жаҳон урушининг аянчли оқибатларини унутмасликка, тинчлик ва осуда ҳаётнинг қадрига етишга, Ватанга садоқат ҳисси билан яшашга, шунингдек, доимо оғох ва ҳушёр бўлишга, тарихий хотирага садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида:

1. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда).

«АҚЛЛИ» ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИМОТЛАР



Халқаро кўргазма

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстона муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда Россия Федерациясига, 2018 йили эса ушбу давлат раҳбари Владимир Путиннинг мамлакатимизга ташрифлари катта туртки бўлди. Бинобарин, мазкур ташрифлар доирасида икки давлат манфаатларига хизмат қилувчи кўллаб ҳужжатлар имзоланди. Амалий ҳаракатлар янги босқичга кўтарилди. Худудлараро алоқалар кучайди.

Кеча пойтахтимизда иш бошлаган "Expo-Russia Uzbekistan — 2019" иккинчи халқаро саноат кўргазмаси ҳамда "Russia Smart Innovation" Тошкент бизнес форуми ҳам ана шу ҳамкорлик самарасидир. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққан Россия Федерацияси саноат ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Сергей Циб, Ўзбекистон Савдо-саноат

палатаси раиси Аҳдам Икромов ва бошқалар кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ўзаро ишонч асосида кенгайиб бораётганини қайд этишди. Айни пайтда юртимизда Россиянинг 1500 та компанияси фаолият юритаётгани ҳам шундан далолат беради.

➡ 2

Муносабат

Мамлакатимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга гаҳмўрлик ва эътибор кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 22 апрелдаги "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада юксак босқичга кўтаришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Уни тўлақонли таъминлаш жамият манфаатларига хизмат қилади.

Бинобарин, унда бир қатор янги ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 30 йиллигини кенг нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинади. Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга қўлай шарт-шароит яратишга оид миллий ҳаракатлар дастури тасдиқланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига доир Факультатив протоколга (2000 йил 25 май, Нью-Йорк) мувофиқлаштиришни назарда тутувчи қўнун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган берилди. Шу ўринда "Президент қарорининг долзарблиги ва муҳимлиги нимада?", деган савол туғилади.

Маълумки, Ўзбекистонда 18 ёшга тўлмаган 12 миллион 200 минг нафардан ортик болалар бор. Аммо уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган институт мавжуд эмас эди. Шу маънода, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимининг жорий этилиши маъқуллангани ниҳоятда муҳимдир.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки мамырий муҳокама даврида бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли органлар ҳамда шахслар боланинг манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда оқилона ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, жиддий омил сифатида қўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларини назарда тутувчи қарорини қабул қилиши шарт.


➡ 2

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2019 йил 1 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сонини 33 375 800 нафарни ташкил этди.

Йил бошидан буён ўсиш — 120 300 киши.

Энг кўп аҳоли сонини қайд этган ҳудудлар учлиги (млн. киши ҳисобида)



Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Қонун лойиҳасида аҳолини рўйхатга олишнинг асосий принциплари акс этмоқда

Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш охириги марта 1989 йилда ўтказилган, шу вақтга қадар республикамизда аҳоли рўйхатга олинмаган ва бу борадаги масалаларни тартибга солувчи қонун қабул қилинмаган.

Аҳолини рўйхатга олиш ишларини ўтказишнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у келгуси бир неча ўн йилликлар ривожланишининг прогноз маълумотлари учун ишончли асос яратади. Энг муҳими, худудларни рағнақ топтириш ва жамиятнинг ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш бўйича сиёсий, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун за-

рур маълумотларни олиш имконини беради. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбатига шулар ҳусусида сўз юритилди.

➡ 2

ТАФАККУР ЖАВОҲИРИ
Ўқув қайда бўлса — улуглик бўлар,
билим қайда бўлса — буюклик бўлар.
Юсуф Хос Ҳожиб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

3. Ишчи гуруҳ (А. Арипов): Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда "Аждодларни хотирлаш — муқаллас кадрят". "Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч" шiorлари остида Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш ва жойларда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига (кейинги ўринларда Байрам деб аталади) бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга амалий ёрдам кўрсатиш; Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, ҳарбий қўсмавр вакилларини бириктириб, ушбу тоифадаги шахсларни қўллаш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташифини ташкил этсин; Ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг тураржойи ва уй ҳужалиқларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин; Байрамга тайёргарлик кўриш давомида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари


ҳодимлари кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини кенг аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тўшутириш, тарғиб ва ташвиқ қилиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилсин; Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бирйўла тўланадиган пул мукофотини тантанали равишда топширсин; Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парвариш қилиш мақсадида тиббий билимликлар эга ходимларни (шартнома асосида) бириктирган ҳолда доимий равишда патронаж хизматини ташкил қилсин; Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан кетиб қалабага ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган ва уруш қаҳрамони бўлган фахрийлар номларини абадийлаштириш мақсадида ўзлари туғилиб ўсган кўчаларга уларнинг номларини бериш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин; Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг истақлари асосида уларни республика ҳудудидаги санаторийларга бепул юборилишини ташкил қилсин; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги белгиланган жойларда Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги ҳарбий техника намойишини ташкил қилсин; Тошкент шаҳрида Иккинчи жаҳон урушига алоқадор аривдан олинган фото ва ҳужжатлар кўргазмасини ташкил қилсин; Қалабага ўз ҳиссасини қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, куч-қувватини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар

бир киши хотираси абадийлаштирилишини, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилишини таъминласин. 4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда: вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар; Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йилларининг қўшиқ ва куйлари, дастурхон тузаш ва тегишли шариотлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этсинлар; кўчалар ва майдонлар Байрамга бағишланган плакатлар ва стендлар билан безатилишини таъминласинлар. 5. Белгиланган қўйилсинки, ўтказиладиган Байрам тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истикомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтқадиган асосий маросимларга темир йўл ёки автомобилга транспортга келиб-қетиши, меҳмонхоналарда жойлашиши, оқаётганини, маданий ҳордик чиқариши билан боғлиқ ҳаракатлар, шунингдек, зарур ҳолларда тегишли кийим-кечақлар билан таъминлиниши.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳокимийлик хайриялари ҳисобидан; Тошкент шаҳрида — Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қўлланади. 6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳрида 2019 йил 9 май соат 21.00 да Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган байрам салотини ташкил қилсин. 7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминласинлар. 8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни, ушбу қарор ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни кенг ёритиш, шунингдек, мавзуга оид телекўрсатувлар ва радиозинтиришлар тайёрлаб эфирга узатиш, мақолалар эълон қилиш тавсия этилсин. 9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳазуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 23 апрель



Қонун лойиҳасида аҳолини рўйхатга олишнинг асосий принциплари акс этмоқда

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонида биноан ишлаб чиқилган "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган ушбу ҳужжат тадбирда яна бир бор парламент вакиллари ҳамда жамоатчилик таҳлилдани ўтказилди. Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари мазкур қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган экан, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш барча ҳудудни қамраб олиши зарурлигига, бу эса Бутунжаҳон аҳоли, уй-жой фондини рўйхатга олиш дастури бўйича ўтказилаётган дунё аҳолисини рўйхатга олишнинг таркибий қисми эканига эътибор қаратдилар. Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг мақсади аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, маълумотларни йиғиш, сақлаш, шунингдек, аҳоли тўғрисидаги яқиний маълумотларни кенг оммага тарқатиш жараёнида субъектларнинг ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишдан иборат. Шунингдек, демографик, ижтимоий, иқтисодий тавсифлар бўйича расмий статистик маълумотларни шакллантириш

Зиёда АШУРОВА.

Таълим Индонезия олий ўқув юртлари вакиллари Бухорода

Бухоро давлат университетига Индонезиянинг 14 та олий ўқув юрти вакиллари таширф буюриб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш юзасидан келишувга эришдилар. Меҳмонлар ўқув жараёни ва таъсирли санъат, муҳандислик графикаси, мактабга таълим йўналишида талаба олаётган талабалар томонидан тайёрланган кўргазма ҳамда университет тарихи музейи билан танишдилар. Яқинда тарих, туризм, спорт, психология каби йўналишларда профессор-ўқитувчилар алмашинувини йўлга қўйиш, ҳамкорликда ўқув дастурлари тузиш юзасидан келишувга эришилди. Вилоят туризм департаменти вакиллари иштирок этган тадбирда зиёрат туризми йўналишида ҳам истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳақида сўз борди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

«Ақлли» ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИМОТЛАР



500 дан зиёд бизнес, йирик ишлаб чиқариш субъектлари вакиллари қатнашмоқда. Бу ўтган йилдагига nisбатан 2 баробардан ҳам кўпроқ кўрсаткичдир.

Мазкур тадбир Россиянинг "Zarubezh-Expo" очик акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан икки давлатнинг тегишли вазирлик ҳамда идоралари қўмағида ўтказилмоқда. Бу галги кўргазма биринчиси-га қараганда янада қизгин, музокараю мулоқотлар ва келишувларга бой бўлиши, шубҳасиз. Чунки ўтган йилги тадбирда Россиядан 200 дан зиёд компаниялар вакиллари қатнашган бўлса, бу йил улар сонини икки баробардан ҳам ошди. Яъни жорий йилда ушбу мамлакатнинг 11 ҳудудидан 500 дан зиёд бизнес, йирик ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштирок этиб, ўз маҳсулот ҳамда хизматларини тақдим қилмоқда. Шулардан бири — Қозон шаҳрида жойлашган "СРТ" ("Стриж") масъулияти чекланган жамияти томонидан тақдим этилаётган жиҳозлар ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. — Биз уй-ҳовли, энергетика ва саноат тармоқлари учун ИТ-технологиялари асосида радиодемоли ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш, — дейди корхонанинг ривожланиш бўлими бошлиғи Денис Кнриков. — Масалан, "Ақли хисоблаш тизими" орқали хонадон ёки корхоналарга мўлжалланган демоли хисоблагичлар электр энергияси, газ ва сув сарфини электрон тарзда хисоблаб боради. Бунинг учун ўша иморатга махсус ускуна ўрнатилиб, у марказга уланади. Маълумотлар эса интернетсиз радиочастота орқали олинади. Уларни узагиш радиуси 10 километргача етади. Бунда ҳеч қандай сым ёки қозғоғча эҳтиёж сезилмайди. Хисоблагичларга ўрнатилган баг-тарейялар эса 10 йилгача нуқсонсиз ишлайди. Мазкур кўргазмада ана шундай инновацион ишлан-маларимиз билан қатнашяпмиз. Ва албатта, Ўзбекистон ишбилармонлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш ниятидамыз. "Expo-Russia Uzbekistan — 2019" халқро саноат кўргазмаси ана шундай янгилликларга бойлиги билан ажралиб турди. Қолаверса, бу гал инновацияларга катта эътибор қаратилди. Шу сабабли кўргазма доирасида ўтказиладиган "Russia Smart Innovation" мавзудаги алоҳида бизнес форуми, турли семинар, маъруза ва тақдимотлар, В2В у-рашувлари, давра суҳбатлари унинг янада самарали бўлишини таъминлайди.

Дилшод УЛУҒМУРDOB («Халқ сўзи»). Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Кун воқеалари қисқа сатрларда

АНГРЕН шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан Эрон Ислоом Республикасининг "Birxan Developed trade" масъулияти чекланган жамияти давлат рўйхатида ўтказилди. Хоржилик инвесторлар ҳудудта каолинни қайта ишлаш ва керамик плита тайёрлашни йўлга қўяди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази БУКА ТУМАНИДА давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳияти, уни ҳаёtgа таъбиқ этиши, ёшларни маънавий баркамол ва китобхон этиб тарбиялашга бағишланган тадбир ўтказилди.

ПОЙТАХТИМИЗДА Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Европа Иттифоқи ва Жаҳон банки ҳамкорлигида мамлакатимизда норавчалликни ривожлантириш юзасидан беш йилга мўлжалланган лойиҳани амалга ошириш бўйича тақдимот маросими бўлиб ўтди.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ Уни тўлақонли таъминлаш жамият манфаатларига хизмат қилади.

Қарорда бола ҳуқуқлари кафолатларини қўчайтиришга қаратилган бир қатор муҳим қоидалар белгиланди. Бунда БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг тавсиялари, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида мустахкамланган тегишли нормаларга таянилади. Ушбу ҳужжатда бола ҳуқуқлари кафолатларини янада қўчайтиришга қаратилган янгилликлар ўз ифодасини топти. Биринчидан, ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган ту-раржойларни улар Мехрибонлик уйларига жойлаштирилган, васийлик ёки ҳокимийлик органининг розилимига қўра васийликка ёки ҳокимийликка олувчи билан бирга яшаётган бутун вақт мойбайида, ўн саккиз ёшга тўлгунча қадар брон-лаштириш ҳуқуқи берилмоқда. Халқро экспертлар фикрича, интернет шаклидаги маъсасалардаги болалар сонини қисқартириш жуда муҳим. Бунга эришиш учун эса ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш лозим. Маълумотларга қараганда, Шарқий Европа ва Марказий Осие мамлакатларидан ҳар 100 миң боланинг 666 нафари, Ўзбекистонда эса 200 нафардан кўпроги интер-нат шаклидаги маъсасаларда тарбияланимоқ-да. Ўзбекистондаги бун-дай кўрсаткич минтақа-дагидан паст бўлса-да, ушбу муаммолар эъти-бордан четда қолиши мумкин эмас. Бу фикрларнинг да-лили сифатида бир мисол келти-рамиз. Яъни 2011 — 2017 йиллар-да Мехрибонлик уйларида таълим-тарбия олган ва уй-жойга муҳтож 1 миң 406 нафар битирувчи — навқирон фуброларимизнинг 55 фоизи (773 нафари) уй-жойли бўлган, ammo колган 45 фоизи (633 нафари) яшаш жойи билан таъминланмаган. Қарорда Мехрибонлик уйлари-

ри болаларнинг васийлик ва ҳокимийлик органигагина мурожа-ат қилиш билан чегараланган ҳуқуқи бошқа органларга мурожа-ат қилиш ҳуқуқи билан кенгайти-рилди. Туртинчидан, ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-она-дан бирортаси ҳам алимент ўнди-риш тўғрисида судга мурожаат қил-маган ҳолларда, 14 ёшга тўлган бола ўзининг таъминоти учун ота ёки онадан ёхуд ота-онаси билан бирга яшамаётган бўлса, бир вақтинг ўзида ота-онанинг ҳар ик-каласидан қонунда белгиланган миқдорда алимент ўндириш тўғри-сида давво қўзғатишга ҳақли экани қарорда қатъий қайд этилган. Бу адолатли талаб мисолида айни йўналишдаги ислохотлар не-чоғли шахдам эканини кўриш мум-кин. Нега деганда, кейинги даврда Оила кодексига бола балоғат ёшига етишига қадар бўлган давр-да алиментларни, шу жумладан, кўчмас ёки қўчар мулк ёхуд ва бошқа қимматбаҳо буюм тақдим этиш йўли билан ҳам барвақт тўлаш имконияти тўғрисида норма киритилган. Бунда вояга етмаган боланинг ҳуқуқлари бузилмайди. Ҳозир ҳар бир болага тўлаиши ке-рак бўлган алимент миқдори ўрнатишнинг энг қан иш ҳақининг 75 фоизидан оз бўлган миқдорда белгиланган. Бешинчидан, эндиликда бола-ларни химоя қилиш мақсадида суд-ларга ариза билан мурожаат этиш-да давлоғар давлат божи ва тўло-лардан озод қилинади. Болалар манфаатлари йўлидаги бу имтиёз ҳам халқро-ҳуқуқий ҳужжатларга тўла мунособдир. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғри-сидаги конвенцияси 3-моддасида

Шу йил сентябрь ойидан эътиборан мамлакатимизда эркақлар ва аёллар учун никоҳ ёши 18 ёшни ташкил этади.

Олтинчидан, шу йил сентябрь ойидан эътиборан мамлакатимиз-да эркақлар ва аёллар учун никоҳ ёши 18 ёшни ташкил этади. Бу қоида БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг тавсияси бўйича жо-рий этилди. Илгари, Оила кодек-сининг 15-моддасига қўра, никоҳ ёши эркақлар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш эти бел-гиланганди. Бу борадаги хоржий тажрибага назар солинса, Россия, Қозғоғистон, Тожикистон каби 154 та мамлакатда никоҳ ёши барча учун баробар 18 ёш экани-ни кўриш мумкин. Еттинчидан, ҳозирги вақтгача қонунчилигимизда чет эл фуқаро-си ёки фуқаролиги бўлмаган бола-маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жи-ноят содир қилса, унинг ота-онаси Ўзбекистонда қонуний асосга қўра яшаб турган бўлса-да, ҳуқуқбузар болани мамлакатдан чиқариб ю-ришга доир норма мавжуд эди. Қарорда ушбу нормани бекор қилиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Бинобарин, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 8-мод-

дасига биноан, иштирокчи давлат бола ўз ота-онасидан боланинг хо-ҳиш-иродасига зид тарзда айри-лишига йўл қўймайди. Боланинг энг устун манфаатлари шундай айри-лишни талаб қилмаган ҳоллар бун-дан мустасно. Қарор талабларидан келиб чи-ққан ҳолда, амалдаги бир қанча қонун ҳужжатларига ҳам ўзгартиш-лар киритилди. Саккизинчидан, Ўзе-бекистонда ювенал адлия тизимини жорий этиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бу жараёнда қонун ҳужжатларидаги "вояга етмаган" ва "бола" каби тўшуналари-ни бир хиллаштириш масаласи муҳим аҳами-ни таъминлади. Президентимизнинг мазкур қарорини болажон халқимиз катта манунини билан қутиб олди. Бу беҳиз эмас. Чунки ўғил-қизлари-миз — келажагимиз эгалари, мил-латимиз давомчиликдир. Уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфа-атларини таъминлаш жамият ра-ванга, эртанги истиқболимиз учун жуда муҳим.

Алқам САИДОВ, Исон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик.

Аёл жинойтга қўл урмасин

Бу аёлни бир қўришдаёқ ёши етмишларга яқинлашиб қолган бўлса керак, деб ўйлайсиз. Юзидagi ажинлар, оқарган сочлар, маъносиз нигоҳлар ва эгнидаги маҳжумлар либоси унинг ёшига ёш, гуссасига гусса қўшгандек гўё. 1961 йилда турилган, қотилликда айбланиб, 2015 йилда озодликдан маҳрум этилган Л. Мананова яқинда Олий суд залидан эркинликка чиқарилди.

Суд залидан

Аёл турмуш ўртоғининг биринчи оиласидан бўлган фарзанди қотилига айланган бўлса-да, айнан отахон унинг озод этилишини сўраб, судга мурожаат қилди. Жинойт билан боғлиқ маълумотларни суриштириганимизда, воқеа содир бўлган кунда отахоннинг уйда бўлмагани, унинг ўғли эса маст ҳолатда келиб, ўғай онаси билан жанжаллашиб қолганини ва аёл ўзини ҳимоя қилиш учун қотилликка қўл урганини айтишди. Л. Мананова бу ҳақда эслашни хоҳламади. Фақатгина ўзининг айбисиз эканини, бундай жинойтни содир этиш умуман ҳаёлида бўлмаганини ва бу бир бахтсизлик эканини қайта-қайта таъкидларди холос.

Жорий йил 19 апрель куни у сингари оғир ва ўта оғир жинойтларни содир этган 5 нафар маҳжум суд залидан муддатидан олдин озод этилди, оиласи, фарзандлари, яқинлари бағрига қайтди. Гап шундаки, Олий суд ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида имзоланган меморандумга кўра, мамлакатимизда жинойт содир этган ва ҳуқуқбузарликларга қўл урган опа-сингилларимиз қўмита вакиллари қафиллиги остида жазо муддатидан олдин озодликка чиқарилапти.

— Ун йилдан бери панжара ортдаман, энг қийналганим — бөлаларимнинг соғинчи бўлди, — дейди Ж. Қаландарова кўз ёшларини артган экан. — Шу йиллар давомида 5 нафар набирам дунёга келди. Аммо мен фарзандларимнинг яхши-ёмон кунинда ёнида бўлолмайман, уларнинг юзини шувут қилдим. Мени деб эл-юрт ичидан беш кутаролмайдиган бўлишди. Қилган ишимдан, албатта, пушаймонман. Бу йўлга кирганимдан мингдан-миг афсусданман.

— Халқимизнинг бағрикенглиги, давлатимиз раҳбарининг хотин-қизларга қўрсатаётган гамхўрлиги намунаси сифатида ўз қилган ишидан пушаймон бўлган опа-сингил-

ларимиз оиласи бағрига қайтиб, янги ҳаёт бошлаяпти, — дейди Республика Хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Гулнора Маруфова. — Бу сарфар оғир ва ўта оғир жинойтларни содир этган маҳжумларнинг аризаси Олий суднинг жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатида назорат тартибидан қўриб чиқилди. Уларнинг ахлоқан тузалиш йўлига ўтгани, соғлигининг аҳволи, жазонинг асосий қисmini ўтагани инобатга олиниб, жазодан озод этилди. Меморандум ихросини таъминлаш мақсадида маҳжумлар билан бирга, аёллар жинойтчилигининг олдини олиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялардан ҳимоя қилиш борасида ҳам ҳамкорликни йўлга қўйганимиз. Аслида аёлларнинг жинойтга қўл уришини ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. Аёл — оиланинг файзи, баракаси, фарзандлар тарбиячиси. Аммо уни жинойт, деб жамиятдан ажратиб қўйиш ҳам халқимизнинг инсонпарварлик фазилига тўғри келмайди. Уларнинг бу йўлга қайта кирмаслиги, ҳаётда тўғри йўлни топиши учун ҳам шундай хайрли ташаббусларга қўл урилаяпти. Мисол учун, сирдарёлик Г. Р. қўмита қафиллигида жазодан озод этилган, банкдан кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Узига ўхшаган аёлларнинг 5 нафарини иш билан таъминлади. Демак, аёлнинг мунтазам даромад манбаи топилади. Оиласида барқарорликка эришилди. Республика миқёсида бу каби тадбирлар давом этмоқда.

Дарҳақиқат, аёл, энг аввало, она, хонадонларимиз чароғони, оилаларимиз файзу фарошаси, шу билан бирга, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида биз учун қадрили зот. Шундай экан, улар ўз номига муносиб бўлиб, фарзандлар, юрт олдидаги масъулиятни унутмаслар бас.

Мунисхон ҚАРИМОВА
(«Халқ сўзи».)

Президентимиз ўтган йилнинг май ойида Андижон вилоятига ташрифи давомида оилаларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлишига шарт-шароит яратиш мақсадида «Хар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш бўйича тегишли кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг одамларнинг кайфияти янада кўтарилди.

Таассуф

Тўғри-да, азал-азалдан ҳунармандчилиги чорвачиликдан катта даромад топиб келган аҳоли учун бундай ташаббуснинг илгари сурилиши аини мудоао. Мутасаддилар ҳам мазкур топширик ижросига энг шимариб ишга киришдилар. Қарабсизки, ўтган йили вилоятда 11 миң 208 фуқарога тижорат банклари томонидан қарийб 248 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Маълумот:
2018 йилда Андижон вилоятида «Хар бир оила — тадбиркор» дастурига биноан, тижорат банклари томонидан жами 248 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Хусусан, қорамолчилик йўналишига 45 миллиард 136 миллион сўм, паррандачилик учун 3 миллиард 366 миллион сўм, балиқчиликка 5 миллиард 197 миллион сўм, асаларчиликка 4 миллиард 163 миллион сўм, иссиқхона ташкил қилиш учун 31 миллиард 456 миллион сўм, боғдорчиликка 1 миллиард 199 миллион сўм, тивувчиликка 45 миллиард 226 миллион сўм, ҳунармандчиликка 9 миллиард 77 миллион сўм миқдордаги имтиёзли кредитлар берилди.

Яратилган имкониятдан аҳоли унумли фойдаланди. Масалан, Оптинкўл туманининг Сув Юлдузи маҳалласида яшовчи Нешметилло Аҳмедов 5 миллион сўм кредит эвазига 1,5 сотти майдонда иссиқхона барпо этди. Тумандаги мавжуд оилаларда жами 2 миң 304 гектар майдондан иборат томоорка мавжудлигини ҳисобга олсак,

оилаларга ажратилган кредит маблағларининг аҳамияти нечоғли юксак эканлигини англаш қийин эмас. Қувонарлиси шундаки, аҳоли ҳатто экспорт фао-

«Кредит олишдан қўрқиб қолдим...»

Ўхуд таъминотчилар банкдан пулини ололмаётгани, истеъмолчилар эса сарфланган маблағига «қуйиб» қолаётгани хусусида.

лиятини шакллантиришга ҳам ҳисса қўшди. Туманда ўтган йили мева-сабзавот экспорти аввалги йилдагига нисбатан 5 баробар ортишида оилаларда етиштирилган ҳосилнинг улуши ҳам салмоқли бўлди.

Бу ташаббус жорий йилда ҳам давом этади. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 8 фоиз ставкада 3 — 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга 400 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Амалга оширилган ишлар сарҳисоби билан танишар эканмиз, ютқлар соясида баъзи камчиликлар ҳам йўқ эмаслигига гувоҳ бўлдик. Мисол учун, Пахтаобод туманининг «Уйғуробод» МФЙ, Бартоҳ қўчасида яшовчи Дониёрбек Жалоловни олайлик. У «Хар бир оила — тадбиркор» дастури асосида «Ўзмиллибанк»нинг туман бўлими орқали 8 ми-

лион 600 миң сўм маблағ эвазига 9 бош қўй олди. Умидлари катта эди. Шу орқали даромад топсам, тўйлар қилсам, деганди. Бироқ орзулари чиппака чиқди.

— 2018 йилнинг июль ойида Пахтаобод туманидаги «Гидромотортранс» МЧЖга қарашли чорвачилик фермасидан 9 бош қўй олиб келдим, — дейди Дониёрбек. — Тўрт ой боққанимдан кейин таъминотчи банк ходими билан бир-

қўйни ажратиб берганимиздан сўнг уч кун ичида пули берилишини айтишганди. Бироқ орадан тўрт ой ўтса-да, ҳисоб рақамимга бир тийин ҳам маблағ тушмади. Арз қилиб бормаган идорам қолмади. Тўғри тушунинг, мен ҳам умид билан иш бошлаганман. Уйимни сотиб, маблағ тикканман. Бир кунда бор қўйимдан айрилиб, қозонимни сувга ташлаб ўтира олмаيمان-ку. Шундан сўнг банк мутасаддилари билан хонадонларга бориб, 177 бош қўйимни қайтариб

олдим. 123 боши ҳали ҳам фуқароларда. Бу каби тушунарсиз ҳолат Избоскан туманида ҳам рўй берган. Масалан, «Даминбойчек» МФЙнинг Зилол қўчасида яшовчи Омадбек Қодиров 5 миллион сўм кредит эвазига 4 бош қўчқор олган. Уларни астойдил парваршлаяпти.

Маълумот:
вилоятда 2,9 миллион нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ер майдонининг кичиклиги, бироқ нуфуснинг муттасил ортиб бориши бир қатор иқтисодий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ишчилар сонининг ошиши ана шулардан биридир. Айни пайтда вилоятда моҳнатга лойқатли аҳоли 1 миллион 729 миң 300 нафарга етди. Шундан 145 миң 163 нафари ишсиздир.

— Утган йили 25 нафар фуқарога 300 бош қўй тарқатганимиз, — дейди «Гидромотортранс» МЧЖ раҳбари Маъруфжон Мадакинов. — Ҳоқимлик ва банк вакиллари

— Шундай шароит яратилганидан хурсандман, — дейди у. — Хар қанча меҳнат қилмаин топганим рўзгордан ортмаётган эди. Эндиликда қўриб турибсиз, 4 бош қўчқорим бор. Қишлоқ шароитида бу ҳам катта давлат. Шунинг учун давлатимизнинг бу борадаги қароридан миннатдорман. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Айни пайтда банкка кредит маблағини қайтариш керак. Ҳайрон бўлиб қолдим, боиси тушунмовчилик бўлаяпти. Мен кредит маблағини «Ўзмиллибанк»нинг туман бўлимидан олгандим. Эндиликда тўловни «Агробанк»ка тўлар эканман. Билишимча, кредит йўналиши ҳам чорва молига эмас, балки иссиқхона йўналишига алмаштирилибди. Мен тўлов қилишга тайёрман, лекин орада юзага келган ўзгаришлар бўйича ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирилмади. Тўлов қилсам, эртага муаммо туғилмасмикин, деган ҳавотирдаман. Кимдир уйимга келиб, «Кредит эвазига қўрилган иссиқхона қани?», дея савол беришидан чўчиб ўтирибман.

Бу каби ҳолатлар бутун вилоят бўйича кузатилапти. Таъминотчилар банкдан пулини ололмади, истеъмолчилар эса сарфланган маблағига «қуйиб» қолганидан хуноб. Масалани ойдинлик қиритиш мақсадида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг вилоят бўлимига қилган мурожаатимиз бўйича эса тайинли изоҳ ололмадик.

Энг ачинарлиси нима, биласизми? Одамларда пайдо бўлган ишончсизлик! Аҳолига кредит маблағи керак, лекин олишга иккиланилапти. Бу йил кредит олсам-у, ўтган йилдаги ўхшаб қуруқ қолсам, нима бўлади, деган саволлар кишини ўйлашга мажбур қилмоқда. Шундай экан, бу йил вазият қандай бўлади? Мазкур саволга балки мутасаддилар жавоб беришар?

Саминхон ҚУСАНОВ
(«Халқ сўзи».)

ЭЪЛОН

Бугунги кунда мамлакатимиздаги жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлайдиган нуфузли олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланган

Барча қорхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

2018/2019 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсимлаш (тавсия қилиш) жараёнига киришганини маълум қилади.

Бакалаврият ҳамда магистратура битирувчилари тўғрисида ҳудудлар бўйича маълумот

Т/р	коди	номи	Таълим йўналишлари (мутасаддилари)		Битирувчилар сони	Шу жумладан																Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони																																		
			шу жумладан, аёллар	шу жумладан, аёллар		грант	контракт	Коракдаликнинг Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент вилояти	Тошкент шаҳри	Бошқа давлат																																		
ЎзДХТСУ бўйича жами:																						1082	358	310	149	772	209	19	11	36	15	58	11	22	13	89	19	28	15	36	15	63	20	115	25	27	14	65	13	80	22	220	76	222	84	2
Бакалавр жами қўндағи, сирқў:																						1056	340	302	143	754	197	17	9	36	15	58	11	21	12	89	19	28	15	34	14	63	20	111	23	26	14	63	13	79	21	218	76	211	77	2
1.	5111001	Касб таълими (спорт фаолияти)	34	4	14	3	20	1				4				3				1			2																																	
2.	5210200	Психология (спорт)	33	10	11	4	22	6	1	1		1		1	1	1				2			1																																	
3.	5610501	Спорт фаолияти (баскетбол)	43	13	9	4	34	9	1	1	2		3		6	1				3	2	3	1	7		1	1	1	2																											
4.	5610502	Спорт фаолияти (бокс)	63	5	9	1	54	4			4	1	2		1					2	1	1	2	12		2	2	4	4																											
5.	5610503	Спорт фаолияти (волейбол)	67	27	16	9	51	18	2	2	1	1	3		5	5	7		3	1	3	2	8	2	13	2		1	1	3	1	12	6	6	4																					
6.	5610504	Спорт фаолияти (велоспорт)	11	3	4	2	7	1															1																																	
7.	5610505	Спорт фаолияти (гимнастика)	53	13	16	5	37	8	2	1	2		1	2	1	2	1				1		8	3	1			8	3	6																										
8.	5610506	Спорт фаолияти (сузиш)	32	8	9	5	23	3			1		2		1		3							1				2	3																											
9.	5610507	Спорт фаолияти (енгил атлетика)	88	42	21	15	67	27	1	1	3	1	2		4	3	5	1	6	1	2	2	6	4	6	2	4	3	11	2	6	4	19	9	13	9																				
10.	5610508	Спорт фаолияти (гандбол)	53	22	18	13	35	9			3	1	2		6	5	3	2	1	3	2	1	3	6	1	6	1	5		4	2	15	8	5	2																					
11.	5610509	Спорт фаолияти (қиличбозлик)	7	1	2		5	1			1																																													
12.	5610510	Спорт фаолияти (оғир атлетика)	41	6	7	2	34	4	3		2	1	5																																											
13.	5610511	Спорт фаолияти (эшак эшиш)	25	8	13	8	12	1			1	1	1																																											
14.	5610512	Спорт фаолияти (теннис)	26	8	8	4	18	4																																																
15.	5610513	Спорт фаолияти (футбол)	208	29	64	10	144	19	3		7	3	20	3	1	24	2	5	3	5			10		17	3	4	1	6		14		44	9	46	5	2																			
16.	5610514	Спорт фаолияти (бадий гимнастика)	92	92	40	40	52	52	2	2	2	2	5	1	7	7	5	4	4	8	8	6	6	6	1	1	4	4	8	8	22	22	17	17																						
17.	5610515	Спорт фаолияти (дзюдо)	30	6	7	3	23	3					4		4					2	1	4	1	5	2																															
18.	5610516	Спорт фаолияти (эркин ва юнон-рум)	47	3	11	2	36	1			1																																													
19.	5610517	Спорт фаолияти (белбоғли кураш)	25	7	4	2	21	5			1																																													
20.	5610518	Спорт фаолияти (таэквондо)	17	4	3	1	14	3			1																																													
21.	5610519	Спорт фаолияти (самбо)	19	5	6	3	13	2			2	2																																												

Ахборот-кутубхона хизмати:

Жаҳон тажрибасидан нималарни ўрганамиз?


1 — Ўзбекистонда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бундай халқаро конференцияларда олдин ҳам қатнашганман, — дейди Покистоннинг Равалпинди шаҳридаги Гордон ҳукумат коллежи профессори Ориф Наушоҳи. — Юртингиздаги ахборот-кутубхона марказлари қадимий ноҳия адабиётларга бойлиги билан ажралиб туради. Кўп йиллардан бундан аждодларингиз илмий-маънавий меросини ўрганадиган Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли

маълумотлар тўпланган китобим нашрдан чиқди. — Ўзбекистонда қисқа муддатда ахборот-кутубхона тизимида анча ўзгаришлар рўй бермоқда, — дейди Беларусь миллий кутубхона-наси директори Роман Мотульский. — Хусусан, зиё масканларида электрон адабиётлар фондиди яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар диққатга сазовор. Юртингизда китоб маҳсулотларини чоп қилиш ҳамда тарқатиш, китоб мутлоаси ва китоб-хонлик маданиятини юксал-

тиришга ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётганини алоҳида эътироф этмоқчиман. Халқаро конференцияда китоб ва китобхонлик, Миллий умумтаълим электрон кутубхонаси — UzNEL дастурининг ишлаш жараёни, МДХ ҳамда хорижий давлатлар йирик кутубхоналари билан ҳамкорлик алоқалари ҳамда алоҳида эътибор қарати-

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»)

Табиий офатдан кўрилган зарарни



Сўнгги кунларда табиат инжиқликлари — кучли шамол ва ёмғир оқибатида дарахт шохларининг автомобиллар устига ағангани, сел ёки ер кўчкиси натижасида зарар кўрган автоуловлар ҳақидаги хабарлар ижтимоий тармоқларда кўп тарқатилмоқда.

Шу ўринда савол туғилади: транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугуртаси ушбу зарарларни қоплайдими?

2008 йилда жорий этилган мазкур амалиёт Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугуртаси» қонунида Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугуртаси тўғрисида» қарори билан тартибга солинган. Сугуртанинг ушбу тури сугурта ташкилотлари томонидан бир хил шартлар асосида амалга оширилади. Демак, мажбурий автосугурта барча ҳайдовчи учун мажбурий. Қайси сугурта компаниясида сугурта полисини харид қилиш эса ихтиёр.

Мажбурий автосугуртада ҳайдовчининг автомобилни бошқариш вақтида бошқа кишининг соғлиги ёки мол-мулкига (ўзи бошқарувидаги автомобилга эмас) зарар етказиши оқибатида зарар ўрнини тўла бериши мажбурият сугурталанади. Яъни ушбу зарарнинг ўрни ёки унинг маълум қисми «айбдор» ҳайдовчи томонидан эмас, балки сугурта компанияси томонидан тўла берилади. Дейлик, ҳайдов-

чи ўз бошқарувидаги авто-мобилида қутилмаган тасодиф билан йўлда сирини уриб юборди. Натижада кимнингдир мулк бўлган чорва моли нобуд бўлди. Бунда ҳайдовчида мол эгасига унинг қийматини тўлаш мажбурияти юзага келади. Бундай ҳолатда сугурта компанияси «ҳайдовчининг зарари» қоплаб бериши мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ёки кучли шамол туфайли кўп қаватли уй атрофида турган машина устига дарахт қулади ва транспорт воситаси шикастланиди. Натижада машина эгасининг ўзи моддий зарар кўрди. Бундай ҳолатда автомобиль эгаси кимгадир зарар етказмаган. Демак, сугуртанинг мажбу-

рий автосугурта тури бўйича ҳеч қандай зарар қоплаб берилмайди. Ҳайдовчи автомобилни бошқариш вақтида қутилмаганда учинчи шахснинг соғлиги ёки мулкига зарар етказиб қўйса, сугурта компанияси ушбу зарар учун ҳайдовчига эмас, жабрланувчига зарар миқдорича ёки кўпи билан 12 млн. сўмгача пул тўлаб бериши мумкин. Сугурталанган ҳайдовчининг эҳтиётсизлиги оқибатида кимнингдир соғлиги ёки ҳаётига жиддий зарар етган бўлса, 12 млн. сўмнинг 65 фоизи, яъни 7,8 млн. сўмгача, агар мулкига зарар етса, бунинг учун 35 фоизи, яъни 4,2 млн. сўмгача маб-лар тўлаб берилади. Ушбу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 мартдаги қарори билан 2019 йилнинг 16 июнидан ўзгарди, яъни зарарни қоплаб бериш суммаси 12 млн. сўмдан 40 млн. сўмгача оширилди.

Ортиққўжа НОРОВ,
«Ўзбекинвест» Миллий сугурта компанияси мутахассиси.

Серқирра ижод эътирофи



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, санъат арбоби, атоқли шоир ва драматург Ҳамид Фулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан адабий кеча ўтказилди.

Тадбир

Улуғ адиб «Машъал», «Мангулик», «Феруза», «Би-нафша атри», «Машраб», «Қорадарё» сингари романлар, «Олмос қизи», «Вафoning узун йўли» каби қиссалар, туркум ҳикоялар, ўнлаб очерк ва публицистик мақолалар, «Ташболта ошиқ» мусиқали драма муаллифи, «Меҳнат шўхрати» ордени, «Шўхрат» медали соҳибидир.

XX асрнинг 30-йилларида ўзбек адабиётига янги овозлар кириб келди, —

дейди академик Наим Каримов. — Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом, Шукрулло, Шўхрат сингари ўзбек адабиётининг байроғини баян қилган шоир-ёзувчилар ижоди чинакамига порлаб, кўнгилларни ёритди, десак, муболага бўлмайди.

Тадбир доирасида шоирнинг «Танланган асарлар» китоби тақдими бўлиб ўтди.

Юлдаз ЎРМОНОВА
(«Халқ сўзи»)

Унда таниқли ёзувчи ва шоирлар, жамоат арбоблари, адибнинг оила аъзолари ҳамда ёш ижодкорлар иштирок этди. Тадбирда Ҳамид Фуломнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хотиралар ёдга олинди.

Хурматли тадбиркорлар!
«АСАКА» БАНКИ
бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун куйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар тақлиф этади:

- Коммерцбанк А.Г. (Германия);
- КФВ Ипекс банк (Германия);
- Ландесбанк А.Г. (Германия);
- Хитой Халқ Республикаси давлат тараққиёт банки;
- Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки — «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида;
- Корея Республикаси Эксимбанки;
- Туркия Республикаси Эксимбанки;
- Халқаро тараққиёт агентлиги — «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида.

Маълумот учун телефонлар: 78-120-82-01, 78-120-82-09, 78-120-82-24, 78-120-82-62, 78-120-82-96, 78-120-86-83.

«АСАКА» БАНКИ — тадбиркорлик тараққиётининг мустақкам таянчи!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.

Изланиш

Мустақкам ва арзон конструктив ечим

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали талабаси Умиджон Равшанов юмшоқ қопламали томларнинг узоқ муддат хизмат қилувчи, мустақкам ва арзон конструктив ечимини ишлаб чиқишга муваффақ бўлди.

— Ишланмамизга кўра, маҳсулот йириклиги 16—32 миллиметрли шағал, чақилган тош ёки йирик ҳажмли кумдан 30—50 миллиметр қалинликда тайёрланади, — дейди ёш ихтирочи. — У ўздан юз марта енгил бўлган иссиқлик ўтказмайдиган қатламни кучли шамол ва ёмғир таъсиридан асрайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги ишланма анъанавий рулонли том конструкциясига нисбатан 4—6 марта арзон. Мўҳим, у 50 йил давомида капитал таъмирсиз хизмат қилади.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»)

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

АКТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИНҲА УНИВЕРСИТЕТИДА БЎЛИБ ЎТган «Security Trends Central Asia — 2019» анжумани

КИБЕРҲАВФСИЗЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Унда киберхавфсизлик ечимлари соҳасида дунёда етакчи компаниялардан бири саналган «Trend Micro Incorporated» (Япония)нинг юқори малакали мутахассислари, университет профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Анжуман бўлгуси мутахассисларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги янгиликлардан хабардорлигини оширишга хизмат қилди.

ЎЗБЕК ТАЛАБАЛАРИ ИТАЛИЯДА ЎҚИЙДИ

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети вакиллари «International Credit Mobility» Erasmus+ дастури доирасида Италияда бўлиб қайтди.

Ташриф доирасида ТАТУ ҳамда Италиянинг Sannio (Universita degli Studi del Sannio) университети ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Айти пайтда Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг 3 нафар талабаси «International Credit Mobility» Erasmus+ дастури доирасида Италияда ўқимокда. Бир шартномаси доирасида ТАТУнинг янада кўпроқ талабалари Sannio университетида таълим олади.

ФРАНЦИЯЛИК ПРОФЕССОРНИНГ ТАТУДАГИ САБОҚЛАРИ

Франциянинг CESI институти профессори Аҳмед Сеффах Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Дастурий инжиниринг» факультетида талабаларга дарс ўтлатди.

— Дунёнинг нуфузли университетларида талабаларга маърузалар ўқийман, — дейди профессор Аҳмед Сеффах. — Ўзбекистонлик талабалар зукколиги ва фани чуқур ўзлаштириши билан ажралиб туради.

Хорижлик ўқитувчи «Дастурий инжинирингга кириш» ҳамда «Инсон ва компьютернинг ўзаро таъсири» фанларидан ёшларга сабоқ бермоқда.

Дилмурод СОДИҚОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

амқодор САЛЕО АМКОДОР - СЕМАШ

«АМКОДОР-TASHKENT» МЧЖ ХК

«АМКОДОР», «САЛЕО», «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.
Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоеси келишилган нархда.

Газетани хрондаги маълумотларни қилаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибхона 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРГАТТА КЕЛган кўзбўйлаб таъкир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида теркил ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ҳўла куни — 22.20 Топширилди — 22.55 2 3 4 5 6